O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Ishonch

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

http://www.ishonch-doverie.uz

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2012-yil 6-mart № 29 (3066) seshanba

Энг яхши ҳарбий хизматчи аёллар аниқланди

Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Офицерлар марказий уйида Мудофаа вазирлиги томонидан ташкил этилган ва Қуролли Кучларимизнинг 20 йиллигига бағишланган «Энг гўзал ҳарбий аёл» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Жамиятнинг маданий ва маънавий даражаси кўп жиҳатдан хотин-қизларга бўлган муносабат билан белгиланади. Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, ўз салоҳиятини намойиш этиши учун барча шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кўрик-танлов ҳарбий хизматчи аёлларни рағбатлантириш, уларнинг касб маҳоратини ҳар томонлама ошириш, ўз қобилиятларини намойиш этишлари учун имконият яратиш, шунингдек, Ватан ҳимоячилари бўлмиш иқтидорли хотин-қизларни аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил этилди. Кўрик-танловнинг ҳарбий округлар, олий ҳарбий билим юртлари ва Ички ишлар вазирлигининг қоровул қўшинларида ўтган дастлабки босқичларининг ўн нафар ғолиби ўзларининг юксак ҳарбий тайёргарлигини, маънавий-маърифий, иқтисодий, ижтимоий фанлар бўйича юқори билим даражасини, шунингдек, ижодий қобилиятларини намойиш этди.

— Илк бор ташкил этилган ушбу кўрик-танловнинг айнан Халқаро хотин-қизлар куни арафасида ўтказилаётганида катта маъно бор, — дейди Жануби-Ғарбий махсус ҳарбий округ бошқарув аппаратининг етакчи мутахассиси Тамара Маманова. — Давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсат туфайли йилдан-йилга мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи мустаҳкамланиб бормоқда. Ушбу тадбир жамиятимизда аёл меҳрибон она ва мунис рафиқа, оиланинг кўрки бўлиш билан бирга ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси, Ватанимизнинг муносиб ҳимоячиси ҳам эканлигини яққол кўрсатди.

Кўрик-танлов якунлари бўйича «Ҳарбий хизматчи аёллар орасида энг яхши мерган», «Энг билимли ҳарбий хизматчи аёл», «Энг гўзал ҳарбий хизматчи аёл» каби алоҳида ва бошқа кўплаб номинациялар бўйича ғолиб ҳамда совриндорлар аниқланди. Марказий ҳарбий округнинг ҳарбий қисмида шартнома асосида хизмат қилаётган оддий аскар Нодира Мирзаева биринчи ўринга лойиқ топилди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Тошкент олий ҳарбий қўмондонлик билим юртининг кичик сержанти Зебинисо Валихонова ва Шарқий ҳарбий округда шартнома асосида хизмат қилаётган оддий аскар Мавлуда Шамсиддиновага насиб этди.

— Биз давлатимиз раҳбарига ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига яратиб берилаётган шарт-шароитлар учун ўз миннатдорлигимизни изҳор этамиз, — дейди кўрик-танлов ғолиби, шартнома асосида хизмат қилаётган оддий аскар Нодира Мирзаева. — Ватан ҳимоячилари ҳурмат қилинадиган, хотин-қизларнинг ўрни юксак баҳоланадиган мана шундай мамлакатдагина бундай тадбирларни ўтказиш мумкин. Мен учун энг муҳими ғолиб бўлиш эмас, балки иштирок этишдир. Зеро, бундай тадбирларнинг ўтказилиши натижасида ўз тайёргарлигимиз ва касб-маҳоратимизни оширамиз, ўз иқтидоримизни намойиш қилиш, энг муҳими, ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашиш имконига эга бўламиз.

С.ТОЖИЕВ,
ЎзА мухбири

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

Мамлакатимизда эзгу ва олижаноб мақсадларни мужассам этган Мустаҳкам оила йили бошланди. Ҳеч шубҳасиз, истиқлол йилларида, жумладан, ўтган йили барча соҳаларда эришилган залворли ютуқ ва натижалар жорий йилда олдимизга қўйган юксак марраларни дадил забт этишимиз учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади. Биргина бунёдкорлик йўналишидаги ишларни олайлик. Халқимизда «Ўз уйим — ўлан-тўшагим» деган нақл бор. Ота фарзанди туғилиши билан терак экади, боласини уйли-жойли қилиш ҳаракатида бўлади. Муҳтарам Президентимиз: «катта умид билан ҳаётга қадам қўяётган ёш оилани моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, уларга кўмак, имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш, аввало, уй-жой билан таъминлаш — буларнинг барчаси учун нафақат ота-оналар, биринчи навбатда давлат ва жамиятимиз масъулдир» деб бу борада масалани янада чуқур ва қатъий қилиб қўйдилар.

Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида таъкидланганидек, ўтган йили юртимиз қишлоқларида намунавий лойиҳалар асосида 7 минг 400 та хусусий уй-жой қуриб битказилган. Шундай қилиб, Юртбошимиз ташаббуси билан қишлоқ жойларда хусусий уй-жойлар қуриш бўйича кенг кўламли дастур амалга оширила бошлангач, сўнгги икки йилда 15 мингдан зиёд оила ҳар томонлама қулай янги уй-жойларга эга бўлди.

Президентимиз қайд этганидек, бу йил яна 8 минг 510 та, яъни ўтган йилга нисбатан 15 фоиз кўп якка тартибдаги уй-жой қурилиши режалаштирилгани таҳсинга лойиқ. Бу фақат қишлоқларимизда уй-жойлар қурилишига доир рақамлар, холос. Жойларда қанчадан-қанча замонавий инфратузилма объектлари, қишлоқ врачлик пунктлари, мактаб, лицей ва коллежлар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, маҳалла гузарлари қурилди ва қурилмоқда. Катта-кичик шаҳарларимизда ғоятда улкан бунёдкорлик ишлари жадал олиб бориляпти.

(Давоми 3-бетда).

Истиқлол шарофати

Мўйноқ — ҳаёти қайноқ

Орол денгизи суви қирғоқларидан тошган ўтган асрнинг етмишинчи йилларида Мўйноқ Марказий Осиё минтақасида йирик балиқчилик маркази сифатида шуҳрат қозонганди. Улкан денгиз орқага чекиниб, Қорақалпоғистоннинг Шимолий қисмида катта-кичик кўллар пайдо бўлганида ҳам мўйноқликлар ота-боболари касбини ташламади. Балки ҳозир ҳам сув танқислиги туфайли юзага келган экологик қийинчиликларни мардонавор енгиб, фидокорона меҳнат қилишмоқда.

Истиқлол шарофати билан туманнинг иқтисодий ва табиий шароитини яхшилаш йўлида катта ишлар амалга оширилди. Ҳукуматимиз кўраётган чора-тадбирлар ва хорижий инвесторларнинг кўллаб-қувватлаши туфайли аҳолининг турмуш фаровонлигига хизмат қилувчи соҳалар, жумладан балиқчилик, деҳқончилик ва чорвачилик ривожланмоқда.

Туман марказида янги мактаб, 500 ўринли спорт зали, истироҳат боғи, замонавий турар-жойлар бунёд этилди. Марказий шифохона қайтадан таъмирланди, шошилинч тиббий ёрдам маркази қуриб битказилди. Иккита кўшма корхона, юзлаб кичик корхоналар, 500 га яқин хусусий тадбиркорлар фаолият кўрсатмоқда.

Уст-юрт кенгликларидаги табиий захираларни излаб топиш мақсадида геология қидирув ва бурғулаш ишлари авж олдирилаяпти. Ер қаъридан минг-минг тонналаб «зангори олов» ва газ конденсати қазиб олинмоқда. Исроилнинг «Нетадим» компанияси кўмагида экинларни томчилатиб суғориш тизими жорий этилган бўлса, Германиянинг «Аграр-акция» дастури бўйича кўплаб хўжаликларда картошка етиштириш йўлга кўйилди. Японияннинг халқаро ҳамкорлик агентлиги томонидан иқтисодий-ижтимоий инфратузилмани юксалтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилганлиги ўз самарасини бермоқда.

Мана, бир неча йилдирки, Германиянинг техникавий ҳамкорлик жамияти (GTS) томонидан Орол денгизининг қуриган қисмини кўкаламзорлаштириш лойиҳаси амалга оширилиб, 16 минг гектар майдонда саксовулзор барпо этилди. Франциянинг «Кофтьютс» ташкилоти 4 минг гектар майдонда саксовул ўстириб, «Орол» ширкат хўжалик ҳудудида қурғоқчиликка чидамли ихота дарахтларини ўстиришда кўмаклашаяпти.

«Орол-инвест», «Ўзбек-Америка-Россия», «Орол-Артемия-Компани» Қорақалпоқ — Хитой кўшма корхоналари денгиз суви таркибидаги тузларни камайтириш ва ундан саноатда мақсадли фойдаланиш чора-тадбирларини кўришаяпти. «Мўйноқ балиқчилик консерва комбинати» ҳузурида балиқ қолдиқларини қайта ишлаб, чорвачиликда асқотадиган қимматли озуқа — ун ишлаб чиқарилмоқда.

Кўлларда ихтифаунани ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаяпти. «Амударё» масъулияти чекланган жамияти «Кук сув», «Олидарё», «Тарф» кўллари ҳудудидан 4458 гектарлик табиий сув ҳавзаларини ижарага олиб, ҳар йили 100 тоннадан зиёд балиқ овламоқда.

Мўйноқ консерва заводида йилига 1,5 миллион қути балиқ консерваси ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилаяпти.

Инфратузилма ривожланиб, «Бузатов», «Учсой», «Тикўзак», «Мадели», «Ҳаким ота», «Шоге», «Қизилжар» овулларида табиий газ, ичимлик суви таъминоти яхшиланиб бормоқда.

Туман ҳудудидаги Урга, Бердақ, Шагирлик, Учсой, Орол, Сургул конларидан ҳар йил миллиард-миллиард кубометр газ ва конденсат қазиб олинмоқда.

Йил сайин гуллаб-яшнаётган Мўйноқ элимиз фахру ифтихорига айланиб, кун сайин обод бўлиб бормоқда.

Иззат ҲИКМАТОВ

Шикоятлар мулоҳазага ундайди

Қонун ҳарфи

Ҳуқуқшуносликда «Қонун ҳарфи» деган тушунча бор. Бу, бир томондан аниқлик ва қонунни шарҳлашда оғишга йўл қўйилмасликни билдирса, бошқа жиҳатдан, қонунни шаклан изоҳлашни англатади. Қонун бедилона назм эмаски, у бир неча маънода талқин қилинса. У амал қиладиган ҳудудда бир хилда тушунилиши шарт.

Ҳар қандай шахс ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли. Фуқаролик суди ишлари тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлиги асосида амалга оширилади. Ҳар бир тараф ўзининг талаб ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт. Баъзан бизга шикоят йўлловчиларнинг «мен уни тушунмаганман, буни билмаганман», дейишига ишониш қийин. Чунки судда иштирок этувчи шахсларга уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 15-моддасига кўра, суд тақдим этилган материаллар ва тушунтиришлар билан чекланмасдан, ишнинг ҳақиқий ҳолати, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва холисона аниқлаш учун қонунга асосланган ҳолда чоралар кўришга ҳақли.

Ҳақиқатга етмоқ нозик, серсабоқ,
Тушуниш қийиндир яқин бўлган чоқ.
Мирзо Абдулқодир БЕДИЛ

Фуқаролик иши... Аминмизки, далилларга холисона ёндашилса, тарафларга уларни тўплашга ёрдам берилса, кўп чигалликлар бир қадар осон ечилади.

Шу ўринда Олий суд Пленуми қарорига мурожаат қилайлик. «Бир далил бошқа далил ёрдамида текширилади, — дейилади унда. — Агар тақдим қилинган далилларда қарамақаршиликлар бўлса, улар аниқланади ва бартараф этилади.

Далилларни баҳолаш биргина ҳиссиётга асосланган бўлиши мумкин эмас, балки аниқ, мантиқий ва бошқа далиллар билан боғлиқлиги асослантирилган бўлиши ва асослар суд қарорларида ўз аксини топиши керак». (Олий суд Пленумининг 2007 йил 2 октябрдаги «Фуқаролик ишларини кўришда судлар томонидан далилларга оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 11-сон қарори).

АРИЗА НЕГА БЕРИЛДИ?

Тошкент шаҳри Бектемир туманида яшовчи Ш. Қувановани ёзишича, унга «ёзувчи» деган кинояли тамға қўйилган. Айтишига қараганда, у 1988 йилда Тошкент халқ хўжалиги институтини тугатиб, банк соҳасида 19 йил меҳнат қилган. Сўнг...

2006 йил Марказий банкда аттестациядан ўтиб, республиканинг ўша пайтдаги Акциядорлик тижорат «Пахта банк»и бошқаруви раисининг 2006 йил 1 июн кунги буйруғи билан Тошкент вилояти Қуйичирчиқ тумани «Пахта банк» бошқарувчиси лавозимига (Суд ҳужжатларида Дўстобод филиали, бўлими дейилади) тайинланган. Буйруқ билан танишган. Номуайян муддатга меҳнат шартномаси тузишган, аммо нусхасини олмаган (2009 йилда «Пахтабанк» акциядорлик тижорат банки «Агробанк» акциядорлик тижорат банки этиб қайта ташкил қилинди).

У 2006 йил 6 июн куни Ўзбекистон Республикаси АТ «Пахта банк»нинг Тошкент вилояти раҳбари М. Ортиқов ҳузурига борган. Комиссия тузилган. 8 июн куни М. Ортиқов бошчилигида комиссия аъзолари билан мазкур туманга боришган, «иш давомида тўғрилаймиз» деган гапга учиб, ҳужжатларни номигагина қабул қилган. (*Баъзи мулоҳазаларга кўра, аризачининг айрим важларини келтиришни лозим топмадик.* — Д.М.)

Ш.Қуванова аниқланган камчиликларни банкнинг вилоят раҳбарига айтган ва ундан «Сизнинг ишингиз бўлмасин» деган жавобни олган. Бунинг устига аввал олинган кредитлар қайтарилмаса-да, раҳбардан «кредит берасан» деган оғзаки топшириқларни олавергган. (*Кредит шартномаси бўлганмиди асли, дегинг келади.* — Д.М.). Талаб бажарилмагач, 2007 йил 10 апрелда АТ «Пахта банк»нинг ўша пайтдаги Республика раҳбари ўринбосари ва вилоят раҳбари келиб унга «аризангни ёз» дейишган. Аризани ёзиб бўлгач, қон босими кўтарилганига қарамай, ярим тунгача ишлаган. 11 апрел куни поликлиника йўлланмаси билан шифохонада 22 апрелгача даволанган. Сўнг республика АТ «Пахта банк» бошқаруви раиси А.Боймуродовга учрашган. Унинг столи устида ўзи ёзган аризани кўрган. У «Сизни бўшатмайман, ишлашингизни хоҳлайман. Сизни Янгийўл «Пахта банк»и билан «ротация» қиламан, фақат М.Ортиқовдан хат олиб келинг» деган. Хат берилмаган. Кейин маълум бўлишича, даволаниб юрганида 2007 йил 31 май куни буйруқ нусхаси ва меҳнат дафтарчасини почта орқали юборишган экан. Бу унинг гапи. Суд ҳужжатларида сал бошқачароқ.

Ш. Қуванова судга мурожаат қилган. Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро суди 2007 йил 7 августда даъвогарнинг ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган вақти учун иш ҳақи ундириш тўғрисидаги даъвосини рад этган. Бу нима билан асосланган?

Биринчидан, муддатли меҳнат шартномаси тузилган; иккинчидан, судга мурожаат қилиш муддатини узрсиз сабабларга кўра ўтказиб юборган (буйруқ нусхасини 2007 йил 25 майда олган); учинчидан, меҳнат шартномаси тарафларнинг келишувига кўра бекор қилинган.

2007 йил 23 ноябрда Тошкент шаҳар суди апелляция инстанцияси ажрими билан ҳал қилув қарори ўз кучида қолдирилган. 2008 йил 25 сентябр куни мазкур иш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди раёсати қарори билан апелляция инстанциясининг 2007 йил 23 ноябрдаги ажрими бекор қилиниб, фуқаролик иши янгидан апелляция инстанциясида кўриш учун юборилган. Нима учун?

Ариза иш берувчининг қистови ёки ўз хоҳиши билан ёзилганлиги синчковлик билан текширилмаган. (Даъвогар меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги аризани 2007 йил 10 апрел куни АТ «Пахта банк» раиси ўринбосари С.Инагамовнинг қистовига асосан ёзганлиги, ўша куни иш кунининг охиригача ишлаганлиги, у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақида унга хабар берилмаганлиги, шунингдек, аризада айнан 2007 йил 10 апрел кунидан бўшатиш сўралмаганлигини баён этган).

Суд Ш.Қуванованинг даъво талабларини рад қилишда меҳнат шартномаси тарафларнинг келишувига кўра бекор қилинганлиги ва даъвогарнинг даъво муддатини узрсиз сабабларга кўра ўтказиб юборганлиги ҳақида барвақт хулосага келган.

Даъвогарнинг даъво аризада келтирган важлари қанчалик асосли эканлиги тегишли тартибда текширилмаган ва иш бўйича гувоҳ сўралмаган.

У меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги аризасида айнан қайси кундан бекор қилишни сўрамаган. Шу боис маъмурият икки ҳафталик муддат ўтмасдан даъвогар билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги масаласига ойдинлик киритмаган.

Иш материалларига Ўзбекистон Республикаси АТ «Пахта банк» бошқарувининг 2007 йил 10 апрелдаги даъвогар Ш. Қуванова билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги 34-сонли буйруғи илова қилинмаган (*Бу фикрлар аризачининг «Минг афсуски, орадан шунча вақт ўтган бўлсада, Бошқарув раисининг буйруғидан кўчирма ололмадим, агар бор бўлса?» деган кинояли гапини эсга солади*).

2008 йил 11 ноябр куни Тошкент шаҳар суди апелляция инстанцияси масалага анча ойдинлик киритди ва шундай ажрим қилди:

«Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг 2007 йил 7 август куни мазкур фуқаролик иши юзасидан қабул қилган ҳал қилув қарори бекор қилинсин ва қуйидагича янги ҳал қилув қарори қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси АТ «Пахта банк»нинг 2007 йил 10 апрел кунги 34-сонли буйруғи Ўзбекистон Республикаси АТ «Пахта банк»нинг Тошкент вилояти Дўстобод филиали бошқарувчиси Ш.С.Қуванова билан тузилган муддатли меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 105-моддасига кўра, муддатли меҳнат шартномаси муддати тугаши муносабати билан 2007 йил 1 июндан бекор қилинсин деб ўзгартирилсин.

Ўзбекистон Республикаси АТ «Пахта банк»дан Шаҳодат Сувановна Қуванова фойдасига мажбурий бекор юрган вақти учун 121.508 сўм 33 тийин иш ҳақи ундирилсин».

(Давоми 2-3-бетларда).

Ishonch
2012-yil 6-mart № 29 (3066)

Мажлис

Таҳлил ва танқид

Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг V мажлиси бўлиб ўтди.

Унда 2011 йилдаги фаолият якунлари ва 2012 йилдаги устувор йўналишлар хусусида сўз борди. Кун тартибидаги масала юзасидан маъруза қилган кенгаш раиси Бекчанбой Матёқубов ўтган йилдаги фаолиятни таҳлил қилар экан, муваффақиятлар билан бир қаторда камчиликларга ҳам йўл қўйилганини таъкидлади. Жумладан, барча тармоқларда бошланғич ташкилотларни жамоа шартномалари билан тўла қамраб олишга эришилмаган. Айрим маданий-маърифий, спорт тадбирлари ўтдими-ўтди қабилида уюштирилган. Мажлисда бу каби муаммоларни бартараф этиш, жорий йилда бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштиришга айрича эътибор қаратиш лозимлиги қайд этилди.

Шунингдек, Мустаҳкам оила йилида касаба уюшмалари олдида турган устувор вазифаларга эътибор қаратилди.

Кенгаш аъзолари кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф қилиш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

М. ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

Тадбир

Касаба уюшма ташкилотларида оптималлаштириш ҳамда «Янги касаба уюшмалари картаси»га мувофиқ тармоқларда ҳуқуқий хизмат сифати анча яхшиланди. Бунда юридик бўлимлар билан тармоқ касаба уюшмаларининг ўзаро яқин ҳамкорлиги асқотяпти.

Ҳамкорлик асосида

АСМ ходимлари касаба уюшмаси Зомин туман кенгаши вилоят КУТБК билан ҳамкорликда ташкил этган ўқув-амалий семинар меҳнат қонунчилигига бағишланди.

Йиғилганлар ҳузурида Жиззах вилоят КУТБК бўлим мудирлари И.Юнусов, Э.Умрзоқов, Ш.Тожибоев, АСМ ходимлари вилоят касаба уюшма кенгаши мутахассиси Ф.Маҳмудов меҳнат шартномаси, иш юритиш, меҳнат дафтарчасини юритиш, ариза ва шикоятлар билан ишлаш, жамоа шартномалари сингари долзарб мавзуларда чиқишлар қилишди. Тадбир савол-жавобларга бой бўлиб, қизғин мулоқот тарзида ўтди.

Ўз мухбиримиз

Жамоа шартномаси — амалда

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи республикамиздаги энг йирик саноат корхоналаридан биридир. Корхонада амалга оширилган модернизация ва технологик янгиланиш жараёнлари бугун ўз самарасини бермоқда.

Ғамхўрлик кучайтирилди

Корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасида ижтимоий шерикликни кучайтириш, ишчи-ходимлар турмуш фаровонлигини ошириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар аҳволини яхшилаш, уларни соғломлаштириш масалаларида ўзига хос кафолат вазифасини ўтамоқда.

Касаба уюшма қўмитаси ўз ишини «Аъзолик афзалликларини ҳар бир ишчи-ходим наф кўриш орқали ҳис этсин» шиорига амал қилган ҳолда олиб бормоқда. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва маиший шароитларни яхшилашга ҳам катта эътибор қаратилаётир. Нафақага чиқаётган ходимларга қимматбаҳо совғалар, фарзанд кўрганларга энг кам иш ҳақининг 5 баробар, биринчи никоҳ муносабати билан турмуш қураётган ёш оилаларга 12 баробар, таъзия маросимлари учун 10 баробар миқдорида моддий ёрдам бериш жамоа шартномаларида ўз аксини топган.

Ўтган йил давомида 1733 нафар ходимнинг даволаниши учун 213 млн. 969 минг сўм ажратилди. Санаторийларда 729 нафар аъзо бепул дам олдирилди. Бунга қарийб, 166 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланди. 1403 нафар ходим корхона санаторий-профилакторийсида ўз саломатлигини тиклаб қайтди. Касаба уюшма маблағлари ҳисобидан профилакторийга 1 млн. 900 минг сўмлик дори-дармон, 235 минг сўмлик спорт жиҳозлари ва стоматология хонаси учун 210 минг сўмлик жиҳозлар олиб берилди.

— Мустаҳкам оила йили муносабати билан жамоа шартномаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди, — дейди бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси А.Халилов. — Мақсадимиз ишчи-ходимларимиз мафаатини кўзлаган ҳолда, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, оилавий фаровонлигини таъминлашдир.

Дарҳақиқат, бу йўлда дастлабки қадамлар қўйилди. Жамоа шартномасига киритилган янги имтиёзга асосан 2 нафар ходимнинг никоҳ тўйи муносабати билан энг кам иш ҳақининг 20 баробари миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, кам таъминланган 455 нафар ходимга 46 млн. сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Кўп болали оила фарзандларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида ўтган ўқув йили бошида 30 млн. сўмдан ортиқ маблағ ажратилиб, 476 нафар ходим фарзандлари ўқув қуроллари билан таъминланди.

Касаба уюшма қўмитаси эътиборга муҳтож, бошига оғир ташвиш тушган ходимлар ва фахрийларга доимо ёрдам қўлини чўзиб келади. Шунингдек, ҳар ойда корхонанинг фахрий 1-гуруҳ ногиронлари ҳамда иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига энг кам иш ҳақи миқдорида моддий ёрдам бериб келинмоқда. Бу мақсадлар учун ўтган йил 38 млн. сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

Ўтган йиллар мобайнида фарзандлари тарбияси учун таътилда бўлган ходимлар озиқ-овқат маҳсулотларига 157 млн. сўм маблағ сарфланди. Нафақадаги фахрийларга 10 та ногиронлик аравачаси, 5 та эшитиш мосламаси касаба уюшма ҳисобидан олиб берилди.

Ишчи-ходимларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун яратилган шароитлар ҳавас қиларли даражада. Муҳташам «Нефтчи» спорт мажмуаси ходимларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун хизмат қилмоқда. Жамоа аъзолари ўртасида ўтказилаётган турли мусобақалар ва зарур спорт жиҳозларини харид қилиш учун ўтган йили 75 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Хуллас, ишчи-ходимларга алоҳида ғамхўрлик уларнинг оилаларида тинчлик-хотиржамлик ва моддий тўкинликнинг таъминланиши, ишлаб чиқариш сифати ва миқдорининг ўсишига, шу билан бирга меҳнат самарадорлигининг ошишига хизмат қилмоқда.

А. ЮНУСОВ

Ўқув



Малака оширдик

Ўтган ҳафта давомида ЎзКУФК Ўқув марказида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари, Марказий кенгашлар ва тасарруфдаги бошқа ташкилотлар масъул ходимларидан бир гуруҳи ахборот-телекоммуникация технологияларини ривожлантириш йўналиши бўйича малакаларини оширишди.

Тошкент Молия институти «Фалсафа» кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди Тўра Норбоев, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири Юнус Ғофуров, «UZINFICOM» унитар корхонаси мутахассиси Алижон Назаров, «UNICOM.UZ» Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази ходими Нодир Парпиев, ЎзКУФК мониторинг ва ахборот гуруҳи раҳбари Абдумажид Абдуғафуров томонидан ўқилган маърузалар тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди. Машғулотлар барча қулайликка эга, интернет тизимига уланган компютер хоналарида ҳам назарий, ҳам амалий услубда олиб борилди.

Ўқув давомида ахборот-телекоммуникация технологияларидан унумли фойдаланиш давр талаби эканлигини чуқур ҳис қилдик. Хусусан, бугунги кунда бутун дунёни қамраб олган интернет тармоғида самарали ишлаш, керакли ҳужжатларни электрон почта орқали юбориш, локал сетлардан кенг фойдаланиш, тармоқ касаба уюшмаларида веб-сайтлар ишлашини кенг йўлга қўйиш олдимизда турган кўплаб муаммоларни ечиш билан бирга, касаба уюшмалари фаолияти ривожига ҳам катта таъсир кўрсатади.

Шунингдек, Алоқа тарихи музейига саёҳат ва Ўзбек Миллий академик драма театрида томоша қилинган саҳна асари тингловчиларда бир олам таассурот қолдирди.

Феруза ЭРМАТОВА,
Наманган вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси мутахассиси.
Фозил МАМАШАРИПОВ олган суратлар

Ўқув-семинар

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобининг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва «Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси олдидаги долзарб вазифалар» мавзусида ўқув-семинар ўтказди.

Алоҳида муҳокама мавзуси

Тадбирда тармоқ тизимидаги агентлик, компаниялар касаба уюшма қўмиталари ва вилоят кенгашлари раислари ҳамда фаоллар қатнашди.

Семинарни Марказий кенгаши раиси Ўктам Турғунов очиб, тармоқда 2012 йил 1 январ ҳолатига кўра, бошланғич ташкилотлар сони 1414 ва аъзолар сони 168 856 нафарни ташкил этганлигини қайд этиб, долзарб вазифаларга эътиборни қаратди.

Шундан сўнг жойларда Марказий Кенгаш томонидан ўтказилган ўрганишлар, янги ташкил этилган касаба уюшма қўмиталари иш фаолиятини тўғри ташкил этиш, вилоят кенгашлари томонидан амалга оширилаётган ишлар натижалари, ютуқ ва камчиликлар муҳокама қилинди.

Семинар асноси ЎзКУФКнинг 2012 йил 26 январдаги «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши фаолиятининг 2011 йил якунлари ва 2012 йилдаги устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори юзасидан тармоқ Марказий кенгаши Раёсатининг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди. Таъкидлаб ўтилдики, тармоқ Марказий кенгаши томонидан бугунги кунда 7 та республика ташкилотлари билан Келишувлар имзоланиб, улар муайян тармоқнинг ижтимоий иқтисодий ривожланишининг асосий йўналишларини, тармоқ ходимлари учун меҳнат шароитлари, меҳнатга ҳақ тўлаш ҳамда ижтимоий кафолатларининг пастки чегарасини белгилаб берувчи энг муҳим норматив ҳужжатга айланмоқда.

Бошланғич ташкилотлар ишини янада жонлантириш, меҳнат шартномаси, жамоа шартномаси, меҳнатни муҳофаза қилиш, ҳуқуқий ҳимоя, ижтимоий шерикликни ривожлантириш, бандликни таъминлаш соҳасидаги вазифалар, янги иш ўринлари яратишга кўмаклашиш каби қатор масалалар алоҳида муҳокама мавзуси бўлди.

Семинарда «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби, хусусан, Давлатимиз раҳбарининг мураккаб тарихий даврда сўзлаган маъруза ва нутқлари, суҳбат, мақола, интервюларининг ижтимоий аҳамияти тўғрисида профессор Муқимжон Қирғизбоевнинг маърузаси тингланди.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«Ishonch» мухбири

Илмий-амалий конференция

Ҳаёт гултожи

«Ўзвинсаноатхолдинг» компанияси мажлислар залида Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда унинг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ҳамкорлигида «Аёл — оила мезони» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуманни Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси шаҳар кенгаши раиси Ноила Умарова очиб, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда хотин-қизларнинг ўрни, оилани мустаҳкамлаш, аёллнинг оила ва жамиятдаги мавқеини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш каби долзарб масалаларга жамоатчилик эътиборини қаратди. Шайхонтоҳур туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сурайё Пўлатованинг «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда хотин-қизлар қўмиталарининг ўрни», Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Мавжуда Халилованинг «Хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, уларнинг жамият ва оиладаги мавқеини ошириш, ҳуқуқий саводхонлиги доирасини кенгайтиришда касаба уюшма хотин-қизлар комиссиясининг роли тўғрисида», Олмазор тумани 15-оилавий поликлиника бош шифокори Шаҳзода Турсуметованинг «Хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш» мавзуидаги маърузалари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Қизғин музокара ва савол-жавоб тарзида кечган анжуман унинг иштирокчилари фаолиятида муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Тадбирда тармоқ касаба уюшма кенгаши томонидан фаол аёллар тақдирланди.

Ўз мухбиримиз

Қонун

(Давоми. Боши-1 бетда).

Шикоятда меҳнат шартномаси муайян муддатга тузилмаган дейилади. Қизиқ, суд ҳужжатларидан кўринишича бир йил муддатга тузилган. Нима учун? Шартнома номуайян муддатга тузиш мумкин бўлмаган тақдирда муайян муддатга тузилади-ку. Хўш, агар шартнома нотўғри тузилган бўлса, нега шикоятчи уни имзолаган? Судда тушунтириш берилганда, унга қандай ҳужжат тақдим қилинган? Бизга йўлланган шикоятда «касаллик варақасида бўлган давримда, касаба уюшмаси розилиги олинмасдан бекор қилинган» деб ёзилади. Ҳужжатларга қараганда, бўйруқ касаллик варақаси даврида чиқарилмаган. Тарафлар келишувига мувофиқ меҳнат шартномаси бекор қилинганда касаба уюшмасининг розилигига ҳожат йўқ.

Буйруқ нусхасини аризачи олмаган бўлса, у буйруқни кўрсатишни суд жараёнида талаб қилмаганми? Нега ҳужжатлар қалбакилиги ҳақида арз қилмаган ва уларни далиллар қаторидан чиқартирмаган.

У ишлайдиган муассаса унга тааллуқли ҳужжатлар билан танишиб чиқишни асоссиз равишда рад этган бўлса жавоб бериши керак-ку. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинликлари тўғрисида»ги Қонунига кўра, давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, жамоат бирлашмаларининг, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг фуқароларнинг ахборот олишга доир ҳуқуқларини камситувчи хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Ш. Қуванова билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси АТ «Пахта банк»нинг Тошкент вилоят бошқармаси 33-т сонли буйруғидан кўчирмада буйруққа Ш. Қуванованинг аризаси, АТ «Пахта Банк»нинг 2007 йил 10 апрелдаги №34-сонли буйруғи асос бўлганлиги кўрсатилган. Биз бундай буйруқнинг йўқлигига шубҳа қилмаймиз. Чунки суд ҳужжатларида ушбу буйруқ далил сифатида келтирилган ва ушбу ҳужжатлар тегишли тартибда бекор қилинмаган.

Масаланинг яна бир томони — ўз ихтиёри билан бўшаган киши судга ёки газетага мурожаат қиладими? Меҳнат шартномасини бекор қилишга ходим шу корхонадаги ишни ҳақиқатда ташлаб кетиш истагини билдирган ёзма аризасига биноан йўл қўйилади. Ш.Қуванованинг ишни ҳақиқатда ташлаб кетиш истаги бўлганми?

БУЙРУҚҚА АСОСАН БУЙРУҚ

ФПКнинг 173-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи шахсларнинг янги далилларни талаб қилиб олиш тўғрисидаги ва ишни кўриш билан боғлиқ бошқа барча масалалар бўйича илтимосномалари ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг фикр-мулоҳазалари тингланганидан кейин суднинг ажрими билан ҳал қилиниши лозим эди. Шикоятдаги мана бу гапларга ҳам эътибор берайлик. «АТ «Пахта банк» вилоят бошқаруви раисининг мени ишдан бўшатишга мутлақо ҳақи йўқ. Банк бошлиқлари мансаб лавозимига фақат Ўзбекистон Республикаси АТ «Пахта банк» бошқаруви раисининг буйруғига асосан ишга қабул қилинади ва ишдан бўшатилади».

Ш. Қуванова буйруқ билан танишмаганми? Шикоятда шундай дейилади: «2006 йил 15 майда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг лавозимга тайинлаш аттестациясидан ўтиб, Ўзбекистон Республикаси АТ «Пахта банк»и бошқаруви раиси томонидан 2006 йил 1 июн куни Тошкент вилояти Қуйичирчиқ тумани «Пахта банк»и банк бошқарувчиси лавозимига буйруқ чиқарилди... Мен буйруқ билан танишдим. Мен ва Ўзбекистон Республикаси АТ «Пахта банк»и ўртасида номуайян муддатга меҳнат шартномаси 2 нусхада тузилди». Шундай бўлса, бу ўринда ариза муаллифи таҳриритни чалғитмоқчи бўлмаса керак, деган андишага ҳам борасан. Нега Тошкент вилоят бошқармаси бошлиғи «у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинсин» деяпти. Юқори идора тузган шартномани қуйи идора бекор қила оладими? Ишни қабул қилгани каби вилоят бўғини комиссия тузиб, ҳужжатларни «вақтинча бажарувчи»га топширмайдими? Асос қилиб олинаяпти-ку, дейиш мумкин. Асос нима? Ариза ва юқорининг буйруғи. Ариза ҳақида бироз тўхталайлик. Унда шундай жумлалар бор: «...лойиҳани ўз вақтида ўзлаштирмаганлигим туфайли, ўз вазифамни эплай олмаганлигим сабабли бўшатишингизни сўрайман».

Лойиҳани ўз вақтида ўзлаштирмаслик вазифани эплай олмасликни билдирадими? Вазифани эплай олмаганлик — «ходимнинг бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши» ва ўз хоҳиши билан бўшаш — «ходимнинг ташаббуси» бошқа-бошқа нарсалар. Ахир, банк ходимининг малакасига оид талаблар Низомда белгилаб қўйилган.

МАЛАКАСИ ЕТАРЛИ ЭМАСМИДИ?

Энди яна бир шикоят билан танишайлик. Бизга шикоят йўллаган Холмамат Худойберганов 2001 йилдан бошлаб Поп тумани халқ таълими бўлимига қарашли 10-ўрта мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишлаб келган.

Хатда айтилишича, у билан тузилган меҳнат шартномаси ғайриқонуний бекор қилинган. Дастлаб юқори турувчи идораларга, сўнг Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилояти Поп туман бирлашган қўмитасига мурожаат қилган. Касаба уюшмасининг Х. Худойбергановни ишга тиклаш тўғрисидаги тақдимномаси бажарилмагач, у судга мурожаат қилган. Суд уни ишга тиклаган, аммо Наманган вилоят суди апелляция инстанцияси суди ажрими билан биринчи босқич ҳал қилув қарори бекор қилинган. У шундан норози.

Суд ҳужжатларида ва бизга юборилган шартнома нусхасига кўра улар ўртасида 2006 йил 1 августда №74-сонли меҳнат шартномаси тузилган. Бу муддатли бўлиб, муддат тугагач, тарафлар томонидан бекор қилинмаган. Аммо, мактаб директорининг тушунтиришига қараганда, унинг 2010 йил 22 сентябрдаги 3-1 сон буйруғи «...МК 100-моддасининг 1-3 бандига асосан мактаб жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Х. Худойберганов билан 2009 йил 1.01.да тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинсин», деб чиқарилаяпти. Касаба уюшмаси тақдимномасида ҳам 2009 йил 1 январ санаси битилган. Қайси бири тўғри?

Судлар ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиниши қонунийлигини буйруқда кўрсатилган асослар бўйича текшириши лозим. Меҳнат муносабатининг бекор қилинишида суд бошқа асосда кўришга ҳақли эмас. Бу Олий суд қарорининг талаби.

Аслида бу буйруқ тўғрисида баҳс юритишнинг ўзи ноқулай. Қонунсизлиги шундай ҳам кўриниб турибди. Чунки Меҳнат кодекси 100-моддасининг биринчи қисмида 3-банд йўқ. Фараз қилайлик, 100-модда 2-қисми 2-банди билан бўшатишмоқчи бўлишгану, адашишган. Х. Худойберганов 1996 йилда Наманган саноат технология институтини тамомлагач, унга касб таълими, махсус ва техник фанлар мутахассислиги бўйича муҳандис-муаллим квалификацияси берилган. Педагогик фаолиятини 1992 йилда Поп туманидаги 9-ўрта мактабда меҳнат таълими ўқитувчиси сифатида бошлаган. 1994 йилда 7-ўрта мактабга меҳнат таълими ўқитувчиси бўлиб ўтказилган ва 2001 йилгача шу мактабда ишлаган. 2001 йил август ойидан бери 10-умумий ўрта таълим мактабида жисмоний тарбия фани ўқитувчиси (?) бўлиб ишлаб келган. Аммо ушбу фан бўйича мутахассис эмас. 2010-2011 ўқув йили бошланишида Х. Худойбергановга дарс берилмаган. Бунга унинг мутахассислиги тўғри келмаслиги, педагог мутахассислиги бўлмаганлиги сабаб қилиб кўрсатилган. Бу тўғрими? Аслида, махсус таълими йўқлиги меҳнат шартномасини бекор қилишга асос бўлолмайди. У бажариши шарт бўлган ишни уддалай олмаяптими? Уддалай олмаётганлиги нима билан исботланади? Дарси текширилганми? Аттестациядан ўтказилганми?

Бизга тақдим қилинган ҳужжатларга кўра, у буйруқ билан таништирилмаган ва ундан нусха ҳам берилмаган. Меҳнат дафтарчасини 2010 йил 16 ноябрда олган. У оғзаки эълон қилинган буйруқдан норози бўлиб туман халқ таълими бўлимига шикоят қилган. Натижа бўлмагач, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилояти Поп туман бирлашган қўмитаси раиси Д.Деҳқоновга мурожаат этган. Шикоят вилоят кенгаши ҳуқуқшуноси В.Мамаджонов томонидан ўрганилган ва 10-мактаб маъмуриятига меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқ нотўғри чиқарилганлиги, қонун талаблари бузилганлиги, ариза муаллифини ишдан бўшатишда касаба уюшмаси ва бандликка кўмаклашиш марказининг розилиги олинмай ишдан бўшатилгани (у касаба уюшмаси қўмитаси аъзоси), уни ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақларини тўлаб бериш ҳақида тақдимнома юборилган. Бироқ 10-мактаб маъмурияти ушбу тақдимномада кўрсатилган фикрларни эътиборга олмай, унга рад жавоби берган. Шу сабабли у судга мурожаат қилишга мажбур бўлган.

Савол туғилади: Нега касаба уюшмасининг ўзи ходимнинг меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилиб даъво аризаси билан судга мурожаат қилмаган. Амалдаги «Касаба уюшмалари уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасига кўра бунга ҳақли эди-ку. Билмадик.

Суд даъвогар Холмамат Худойбергановни ишга тиклаш ҳамда даъвогар фойдасига жавобгар Поп тумани ХТБга қарашли 10-умумий ўрта таълим мактаби маъмуриятидан 2010 йил 2 сентябрдан 2011 йил 4 феврал кунигача бўлган

Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам

Т. МАХКАМОВ олган сурат

(Давоми. Боши-1 бетда).

Яна бир муҳим йўналиш — хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ўтган йили жадал суръатлар билан ривожланиб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 37 фоиз ўрнига 50,5 фоизни ташкил этди. Бу борада алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмининг 41,6 фоизга ўсганини бугунги кун талабларига жавоб берадиган ижобий тенденция сифатида баҳолаш лозим. Эндиликда мамлакатимиз аҳолисининг 8 миллионга яқини интернет тармоғидан фойдаланмоқда. Юртимиздаги 852 та мактабда замонавий ўқув-компютер синфлари ташкил этилган. Айни вақтда мавжуд 9 минг 400 дан зиёд мактабнинг 96 фоизи ZiyoNET электрон ахборот тармоғига уланди. Бу, аввало, бугунги Ўзбекистон собиқ совет даврида бўлганидек «хомашё базаси» ёхуд «аграр республика» эмаслигидан, қолаверса, интеллектуал жиҳатдан ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олиш учун дадил одимлаётганимиздан далолатдир.

Табиийки, бундай ютуқлар одамларимиз даромади ва турмуш даражасини, рўзғоримизнинг тўкин-сочинлигини оширишга, халқимиз ҳаётининг янада фаровон бўлишини таъминлашга ҳар томонлама хизмат қилмоқда. Президентимиз бунинг тасдиғи сифатида қуйидаги муҳим қиёсий фактни келтириб ўтди. Яъни: «Агар 1991 йилда энг кам иш ҳақига Халқаро меҳнат ташкилоти ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларига қатъий мувофиқ тарзда ҳисоблаб чиқилган истеъмол корзинкаси қийматининг фақат 8 фоизини ташкил этадиган товар ва хизматларни харид қилиш мумкин бўлган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич истеъмол корзинкасининг 120 фоизини ташкил этди ёки 15 баробар ўсди, энг кам пенсиянинг харид қобилияти эса 9 карра ошди».

Қисқасини айтганда, мустақиллик йилларида бой тарихимиз, бетакрор меросимиз, муқаддас дину диёнатимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланди. Меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун ҳолда яшаш, Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғуси ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олмоқда. Албатта, бу каби ижобий омиллар аҳолимизнинг руҳиятини кўтариб, ишчанлик, бунёдкорлик кайфиятини кучайтирмоқда, юртдошларимизнинг келажакка ишончини янада оширмоқда.

Президентимиз жорий йилда олдимизда турган ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги энг устувор масалалар қатори, Мустаҳкам оила йили муносабати билан зиммамизга юкланган масъулиятли вазифалар ҳақида атрофлича тўхталди. Жамиятимизнинг асосий бўғини бўлган оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, бугунги кунда ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтариш, бу борада маҳалланинг роли ва аҳамиятини кучайтириш масаласи шулар жумласига киради.

Кейинги йилларда барча соҳада эришган залворли ютуқларимизда, бир томондан, юртимиздаги тинчлик-тотувлик, барқарорлик ва бунёдкорлик муҳим ўрин тутса, иккинчи томондан, бунда ана шу аҳиллик ҳамда яратувчанлик маскани бўлган маҳалланинг роли жуда каттадир. Албатта, маҳалла тизимини ривожлантириш борасида бир қатор самарали чора-тадбирларнинг ўз вақтида, босқичма-босқич ва изчил амалга ошириб борилгани бунда муҳим аҳамият касб этди.

Бугун бу тизимда 40 минг нафардан зиёд киши маош олиб ишламоқда. Айниқса, юртимиз бўйлаб маҳалла гузарлари — мустақиллик даври архитектурасининг ўзига хос намунаси бўлган қанчадан-қанча шарқона бинолар қад ростлади. Қисқача айтганда, ўтган даврда маҳалла — миллий демократия дарсхонасига, ўзлигимизни, миллий турмуш тарзимизни намоён этувчи фуқаролик жамияти институтига, том маънода, энг фаол, адолатли ва таъсирчан тизимга айланди.

Бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларга, жисмоний имконияти чекланган ва ёлғиз қарияларга чинакам меҳр-мурувват кўрсатиш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда, энг асосийси, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим ўрин тутиб келмоқда. Кези келганда, «Маҳалла» хайрия жамғармасининг яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференциясида 2006-2011 йилларда амалга оширилган ислоҳотлар самаралари, эришилган марра ва ютуқлар чуқур танқидий-таҳлилий муҳокама этилиб, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинганини қайд этиш мақсадга мувофиқ. Конференцияда «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да белгилаб берилган энг муҳим вазифаларни ҳаётга изчил татбиқ этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада «Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг 2012-2014 йилларга мўлжалланган ҳаракат режаси» муҳим рол ўйнайди. Бу йил — Мустаҳкам оила йилида Конституциямизнинг 20 йиллигини кенг нишонлаймиз. Маълумки, Асосий Қонунимиздаги 4 та моддадан иборат алоҳида боб (XIV боб) оилага бағишланган. Жумладан, 63-моддада белгиланганидек, «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга». Конституциямизнинг 64-моддасида «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур» деган қоида мавжуд бўлса, 66-моддада «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар» деб мустаҳкамлаб қўйилган. Кўриниб турибдики, Асосий Қомусимиз халқимизнинг теран тарихий ildизларига асосланган, кўп асрлик тажриба ва маънавий қадриятларни, улуғ аждодларимизнинг ҳуқуқий меросини ўз ичига олган. Бошқача айтганда, Бош қомусимиз биз орзу қилган адолатли, очиқ ва демократик жамиятга эришиш учун, шундай ёруғ кунларга муносиб бўлиш учун ўзимиз қандай хусусиятларга эга бўлишимиз керак-лигидан сабоқ берувчи улуғ дорилфунун вазифасини ўтамоқда.

Президентимизнинг 2001 йил 4 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши асосида ўтган даврда республикамизда Конституцияни ўрганиш бўйича узлуксиз тизим яратилди. Конституцияни билиш — ҳуқуқий онгни ошириш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва албатта, шу асосда жамоатчилик назоратини кучайтириш, ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш, конституциявий-ҳуқуқий маданиятни, конституциявий ватанпарварлик туйғуларини юксалтириш демакдир. Давлатимиз раҳбари Конституциямизнинг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, «...саховатли Ўзбекистон заминида яшаётган ҳар қайси одам мамлакатимизда олиб борилаётган ва кўзда тутилаётган барча ислоҳотлар авваламбор унинг манфаати, унинг оиласи ва фарзандлари учун, шу юртнинг фаровонлиги ва тараққиёти учун амалга оширилаётганини аниқ-равшан англаб етиши ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади». Бунинг учун эса ҳуқуқий маданиятимиз, ҳуқуқий онгимизни юксалтиришимиз, сиёсий фаоллигимиз ва фуқаролик масъулиятимизни оширишимиз олдимизда турган энг муҳим вазифалардан. Бу, ўз навбатида, Юртбошимизнинг «Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор» деган эзгу даъвати ҳаётимизда том маънода ижобат бўлишига хизмат қилиши тайин.

Акмал САИДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Аҳвол қандай, талаба?

Жиззах вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфидаги 75 та касб-ҳунар коллежи, 4 та академик лицейда 63 минг 758 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. Ана шу масканлардан 54 таси «Ўқувчилар турар-жойи»га эга.

Амалда 3315 ўқувчи ётоқхона билан қамраб олинган бўлиб, айрим «Ўқувчилар турар-жойи» биноларида кўпроқ ўғил болалар жойлаштирилган. Ўқувчиларнинг турар-жойга бўлган эҳтиёжи тўла қондирилмаган бир пайтда Дўстлик, Мирзачўл туманларидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежларининг ҳар бирида 100 ўринли «Ўқувчилар турар-жой»лари турли баҳоналар билан ишламаяпти...

Намуна бор, лекин...

Жиззах вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги «Ўқувчилар турар-жойи»га бир назар

«Ўқувчилар турар-жойи». Бу атама Жиззах Олимпия захиралари касб-ҳунар коллежи ўқувчилари учун совуқда бардошу, камчиликларга сабр-тоқатни синайдиган жойни англатса ажабмас.

Коллеж раҳбарининг тез-тез алмашиши боис «Ўқувчилар турар-жойи» билан жиддийроқ шуғулланишга вақт бўлмаяпти чоғи. Тўрт қаватли, 200 ўринга мўлжалланган ётоқхонада 320 ўқувчининг истиқомат қилиши аввало санитария нормаларига зид. Шундоқ ҳам тор хоналарга икки қаватли қўлбола темир каравотлар ўрнатилган. Масалан, 204-хонада олти ўқувчи истиқомат қилади. Гардероб етишмайди. Битта тумбочка қўйилган. 205-хона эшиги таъмирталаб. 317-хонада яшовчи Толибжон Оқмуродов коллежнинг 8-синфида «белбоғли кураш» йўналишида ўқиркан. У шундай дейди:

— Буни қарангки, ухлаётганимда каравотнинг иккинчи қаватидан пастга йиқилиб тушдим. Шундан сўнг Жаҳонгир билан жойимизни алмаштирдик, энди у юқорида, мен пастда ётибмиз.

303-хонада истиқомат қилувчи Хусниддин Азимов одеялни уйидан олиб келганини айтди.

Ётоқхонада шкаф, тумбочка, стол-стул каби жиҳозлар етишмайди. Кўрпа-ёстиқ, уларнинг жилдлари бир ҳолатда. Бутун қиш давраси иситиш батареялари ишламади. Бино сўнгги беш йилда жиддий таъмирланмаган.

Ким билсин, бўш пайтларда кўнгилочар тадбирларнинг камдан-кам ўтказилиши ҳам шу сабабдандир.

Жиззах Давлат педагогика институти қошидаги «Сайлжой» академик лицейи «Ўқувчилар турар-жойи» биносидан ҳам кўнгил тўлмайди.

2-қаватдаги «С» хонада яшовчи ўқувчи Диёр Келдиёров кўрпа-ёстиқ ва улар жилдини уйидан келтирганини айтади. Хона ҳам шахсий электр печида иситиляпти. Стол-стул ва бошқа жиҳозлар етишмайди.

2-, 3-қаватлардаги ошхоналарда зарур шароит йўқ.

ЖДПИ қошидаги 2-сонли академик лицейда 1075 нафар бола ўқийди. 125 ўринли ётоқхонада 181 нафар бола истиқомат қилади. Бу ерда ҳам ўринлар ва зарур жиҳозлар тақчиллиги мавжуд.

Жиззах Политехника институти қошидаги академик лицей ётоқхонаси ўқув биносидан анча олисда жойлашганиданми, бу ерда бор-йўғи 18 бола истиқомат қилади. 2-босқич ўқувчиси Хуршид Гадойбоев яшаётган хонада эски, синиқ жавон бор холос. Бошқа зарур жиҳозлар умуман йўқ.

Жиззах шаҳридаги айрим касб-ҳунар коллежи ҳамда академик лицейлардаги «Ўқувчилар турар-жойи» аҳволи билан танишар эканмиз, ўқувчиларга зарур шарт-шароит яратилмагани, жиҳозлар етишмаслиги, биноларнинг таъмирталаблиги каби салбий ҳолатларнинг гувоҳи бўлдик. Бу каби нуқсонлар ўқувчиларнинг фикрини бўлиб, билим ва касб-ҳунарни чуқур эгаллашларида тўсиқ бўлмасмикан, деган андиша хаёлимиздан ўтди.

Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бирлашган касаба уюшма қўмитаси «Ўқувчилар турар-жойи»да юзага келган бундай аҳволни атрофлича ўрганиб, таҳлил қилиб, мутасаддилар эътиборини муаммолар ечимига қаратишни пайсалга солаётгани ажабланарли. Ётоқхоналарда маданий-маърифий ишлар ҳам кўнгилдагидек ташкил этилмаяпти. Давра суҳбатлари, кўрик-танловлар ўтказиш шунчалар қийинми?

Дўстлик тиббиёт коллежи «Ўқувчилар турар-жойи» энг намунали масканлигини кўпчилик эътироф этади. Ажабо, нега уларнинг тажрибаси оммалаштирилмайди?

Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Ҳарфи

мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақи ундириш ҳамда қисман маънавий зарар, даъвогар томонидан адвокатга ҳуқуқий ёрдами учун тўланган пулни ундириш, давлат фойдасига давлат божи ундиришни лозим топган.

Аммо мазкур ҳал қилув қарорини Наманган вилоят суди апелляция инстанцияси суди ажрими билан бекор қилган. Мактаб маъмуриятининг аппеляция шикояти сўнгида шундай жумла бор: «Чуст туманлараро суди 2011 йил 4 феврал кунги қарорини бекор қилиб, даъвогар даъво муддатини узрсиз сабабларга кўра ўтказиб юборганлиги учун унинг даъвосини рад қилиб, бироқ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 272-моддасига асосан Х. Худойбергановга чиқарилган мактабнинг 3-сонли буйруғида меҳнат шартномасини бекор қилиш сабабининг таърифи нотўғрилиги учун шу буйруқнинг матнини «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-модда 2-қисми 2-бандига асосан меҳнат шартномаси бекор қилинди» деб кўрсатиш ҳақида ажрим чиқариб беришингизни сўрайман». Аммо суд қуйидагича ажрим қилди: «...Даъвогар Худойбердиев Холмаматни жавобгар Поп тумани ХТБга қарашли 10-умумий ўрта таълим мактаб маъмуриятига нисбатан ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақи, моддий ва маънавий зарар ундириш ҳақидаги даъвоси асоссиз деб рад қилинсин...»

ФПКнинг 219-моддасига кўра, меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган ходимни ишга тиклаш бўйича ҳал қилув қарори дарҳол ижро этилади. Аввал ижро этилганмиди?

Хўш, даъво муддати тўғрисида ҳал қилув қарори чиққунга қадар қарши даъво бўлганмиди? Буйруқнинг нотўғри чиқарилганлигини жавобгарнинг ўзи тан олиб, бекор қилиш таърифини ўзгартириб беришни сўраяпти.

Мактаб директорининг касаба уюшмасига берган маълумотида шундай сатрлар бор: «Х. Худойберганов буйруқ билан ёзма таништирилмаган. 15.11 куни мактабда буйруқдан бир нусха олган. 16.11 куни меҳнат дафтарчасини олган».

Суд даъво муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган, деб топса, бу муддатни тиклайди. Агар суд ишдаги ҳужжатларни ҳар томонлама текшириб, судга мурожаат қилиш муддати узрсиз сабабларга кўра ўтказиб юборилганлигини аниқласа, даъвони рад этади.

Юқори инстанция суди «асоссиз даъво» деб топса-да, аслида бошқа нарса учун эмас, «даъвогар даъво муддатини узрсиз ўтказиб юборганлиги сабабли даъвогарнинг даъвосини рад қилишни ва янги ҳал қилув қарори қабул қилишни» лозим топаяпти. Мавжуд ҳужжатларга биноан бир кузатайлик-чи, нима бўлган экан?

«2010 йил 15 ноябрда мактабдан ишдан бўшатилганлигим ҳақида буйруқ нусхасини олдим».

Шундан сўнг 2010 йил 6 декабр куни Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Поп тумани бирлашган қўмитасидан «Сизни ғайриқонуний равишда меҳнат шартномангиз бекор қилинганлиги сабабли ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган кунларингизга ўртача иш ҳақи тўланиши тўғрисида мактаб директорига тақдимнома берилди.

Мактаб директори Сизни ўз вазифангизга тикламаса, судга мурожаат этишингиз мумкин» деган мазмунда жавоб хати олинди.

Жавоб тўғри. Мазкур жамоат ташкилотининг тақдимномаси бажарилмаганлиги учун маъмурият жавобгарлиги белгиланмаган бўлса, нима қилсин. Бу ҳолат МЖТК 49-моддасига тушмаса. «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасига кўра, касаба уюшмалари ўз аъзоларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қиладилар... Ҳуқуқшунос «муддат»ни тушунтирмадими ёки ходимнинг ўзи мактабга бориб, «тақдимнома»ни бажармасангиз, судга мурожаат қиламан, дедими? Вақт эса кутиб турмайди. Ғализроқ бўлса-да ўзгартирмай келтирамиз: «Мактаб маъмурияти туман касаба уюшмаси қўмитасини менсимай, 14.12.2010 йилда ... билдирги бериб, мени... шаънимизга туҳмат ёғдирган».

Х. Худойбергановнинг туҳматга қарши нима чора кўрганлигини қўя турайлик. Тикламасликларини аниқ билса-да, орадан 16-20 кун ўтиб судга мурожаат қилаяпти. Шу орада у бузилган ҳуқуқини тиклаш учун нима иш қилди? МКда даъво муддати «буйруқ нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой» деб қўйилганлигини наҳот билмаган бўлса?

Тўғри, ҳужжатлардан кўринишича, ариза муаллифининг мутахассислиги ҳаминқадар. Баркамол авлодни тарбиялаш учун ўз касбининг билимдони бўлиш керак. Мактаб маъмурияти томонидан у тегишли олий ўқув юртига кириш ёки қайта тайёрловдан ўтиши, акс ҳолда меҳнат шартномаси бекор қилиниши ҳақида ўз вақтида огоҳлантирилган. Аммо шартнома тузиш ва бекор қилишда ҳуқуқий саводхонлик етишмаганлиги ҳам кўриниб турибди.

«ТЕКШИРИШЛАР УМИДБАХШ ЭДИ...»

Ушбу мақолага сўнгги нуқтани қўямиз деб турганда яна бир шикоят хати келди. Муаллифи она тили ва адабиёт фанлари ўқитувчиси бўлгани учунми, ариза «Бой бойга боқар, камбағалнинг шўри қуриб қолар эканда!» каби эҳтиросли жумлалар билан бойитилган. Мурожаат қилмаган жойи қолмабди. Охири, илинж билан таҳририятга келибди. «Аслида ногирон болам учун келгандик», кўз ёш қилади асли қамашилик муаллима М.Абдураҳмонова. Ачинасан киши. Аҳволини тушунгинг келади. «Алдаб ариза ёздириб олишди», дейди у. «Алдагани бола яхши» деган нақл бор. Бу «бола»нинг эса 3-4 нафар боласи бор. Мактаб директорига «Тошкент шаҳрида рўйхатга тура олмаганлигим сабабли ишдан озод қилишингизни сўрайман», деб ариза ёзиб берибди. «Номига ёзиб бер» деб алдашганмиш. Бизга йўллаган шикоятида «Мен 2011 йил 17 январда ишдан бўшаган бўлсамда, лекин 2011 йил 1 февралгача ишлаганман» деса, суддаги кўрсатувида ўз аризасига биноан ишдан бўшатилганлиги, лекин буйруқ билан танишмаганлигини кўрсатади. Иккинчи тараф эса, буйруқ билан ўша куни таништирилганлигини таъкидлайди. Аризачи «алданганлиги» учун «ўч» олиш пайига тушиб, шикоят «ўқ»ларини ота бошлайди.

Тан олиш керак, Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамаси Халқ таълими бош бошқармаси бош мутахассиси аризада келтирилган важларни батафсил ўрганибди. Сўнгида «Ариза муаллифи аризани ўрганиш жараёни ва муҳокамасидан қониққанлигини ёзма билдирди» деган. Аввалги таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгашига ҳам мурожаат қилган экан. Ўрганишибди, ишдан бўшатилган кунни 14 январдан 14 мартга ўзгартириб, ўртача ойлик иш ҳақини ундириб беришибди. Яккасарой туманлараро суди эса «Фуқаролик процессуал кодексининг 57, 174, 203-206-моддаларини қўллаб, даъво талабларини қаноатлантиришни тўлиқ рад этибди». Апелляция инстанцияси уни ўзгаришсиз қолдирибди.

Аризачи таҳририятга келганда, у билан шундай суҳбат бўлиб ўтди:

— Сиз буйруқ чиққанидан хабарим йўқ, шунинг учун ишлаганман, деяпсиз? Буни қандай исботлайсиз?

— Синф журналларини тўлдирганман. Буни синф раҳбарлари, Мирзо Улуғбек тумани ХТБ она тили ва адабиёти методисти (Билимлар синовида жюри аъзоси сифатида қатнашганман) ҳам тасдиқлайди.

— Иш ҳақи олдингизми?

— Иш ҳақини олдим. Бошқа бировнинг номига ёзишган экан.

— Судда ариза алдаб ёздирилганлигини айтдингизми, далил келтирдингизми?

— Айтдим, келтирдим, эътиборга олишмади. Ўз ихтиёрим билан ариза ёзсам ишлармидим?

— Халқ таълими бош бошқармаси текширувидан қониқиш ҳосил қилганмидингиз?

— Текшириш жараёнидан қониққанман, муҳокама бўлгани йўқ, натижасидан қониқмаганман.

— Биринчи февралгача ишладим деяпсиз. Меҳнат дафтарчасидан кўринишича, 2011 йил 17 январда «Меҳнат шартномаси тўхтатилсин(?)» деган 61-буйруқ қабул қилинган, кейин «Ишдан бўшатиш куни 2011 йил 14 март деб ҳисоблансин» деб 16 март куни 113-буйруқ қабул қилинган, бу ҳақда меҳнат дафтарчасига 2011 йил 3 июнда №16 ёзув киритилган.

— 61- ва 113-буйруқ нусхаларини беришмади. 2011 йил 14 март куни меҳнат дафтарчамни олдим. Ёзув киритилмаганлигини кейин билиб қолдим. Судга мурожаат қилганимдан сўнг 16 июнда адвокатимга биринчи буйруқ нусхасини беришган ва меҳнат дафтарчамга ёзув киритишган.

Шундай бўлса, Меҳнат кодекси 108-моддасининг «Меҳнат шартномаси бекор қилинган куни иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчасини ва меҳнат шартномасини бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши шарт» деган талаби қайда қолди? Яна бир мулоҳаза. Гарчи буйруқ билан меҳнат шартномаси бекор қилинган бўлса-да, МК 82-моддасига кўра, «Ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан ёки унинг ижозати билан ходимга ҳақиқатда ишлашга рухсат этилган бўлса, ишга қабул қилиш тегишли равишда расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилмаганлигидан қатъи назар, иш бошланган кундан эътиборан меҳнат шартномаси тузилган деб ҳисобланади». Ишга рухсат этилган, қонун четлаб ўтилган бўлса-да, иш ҳақи ҳам берилган...

Қонун ҳарфи... Эҳтимол, шаклан қайдадир тўғри тўхтамга келингандир, аммо моҳиятан бироз чекиниш бўлган кўринади. Инсонийлик қонуни, виждон деган ҳакам ҳам бор. Муҳими, улардан чекинмайлик.

Довуд МАДИЕВ,
журналист-ҳуқуқшунос

«Respublika mulk markazi» YoAJ «Poytaxt filiali» бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.2011 йилдаги 153-сонли қарорига мувофиқ, «MARKAZSANOATEKSPORT» ДАТС компаниясининг 2012 йил 27 февралдаги НА-28/36-1284-сонли хатига асосан, «MARKAZSANOATEKSPORT» ДАТСК балансидаги, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ-кўчаси 107-уй манзилида сақланаётган, ДЭУ «Нексия» русумли, д/р 01 204 КВА бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 13 500 000 сўм.

II. Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.2011 йилдаги 153-сонли қарорига мувофиқ ҳамда Зангиота тумани Кенсой Агросаноат ва бизнес касб-ҳунар коллежи 2012 йил 29 февраль №01/34 сонли хатига мувофиқ Тошкент вилояти Зангиота тумани, Ҳасанбой ҚФЙ Кенсой қишлоғи, Н. Обидов кўчаси, 1-уй манзилда сақланаётган, «М-412» русумли, д/р 10 763 JAA бўлган, 1981 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 510 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 4 апрел куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 2 апрел куни соат 18:00.

Юқоридаги мулк 2012 йил 4 апрелдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 18 апрел ва 2 май кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 18 апрелдаги савдолар учун 16 апрел куни соат 18:00, 2 майдаги савдолар учун 30 апрел куни соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Юқоридаги автотранспорт воситаларининг аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Respublika mulk markazi» YoAJ «Poytaht filiali»нинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452141, МФО: 01036, ИНН 200933850 ОКОНХ 83300 Манзил: Тошкент ш., Миробод т., Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«а» уй. Телефон: 233-20-96. www.rmm.uz.

«O'ZGAZINJINIRING» МЧЖнинг Устав фонди миқдори 1 196 300 820 (Бир миллиард бир юз тўқсон олти миллион уч юз минг саккиз юз йигирма) сўмдан 1 172 860 094 (Бир миллиард бир юз етмиш икки миллион саккиз юз олтмиш минг тўқсон тўрт) сўмга камайтирилаётганлиги маълум қилинади.

Омон бўлинг,
МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2012-yil 6-mart № 29 (3066)

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

Шуҳрат медали ҳамда Мустақилликнинг 20 йиллик кўкрак нишони соҳиби Одинахон момо Абдурасулова Бешариқ тумани Собиртепа қишлоғида яшовчи оилалардан бирининг пирибадавлат онахонлардан. Янги йил арафасида 101 ёшни қарши олган, умри давомида қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаган онахоннинг 2 нафар ўғли бўлиб, Юсуфжон Отахонов 78 ёшга кирди. Иккинчи ўғли Султонхон 70 ёшда. 90 нафар невара-чеваранинг момоси бўлган Одинахон момо нафақат оилада, балки бутун қишлоқда ҳурмат ва эъзозга сазовор.

— Умримда бунчалик қувонмаган эдим. Фарзандлар, невара-чевараларнинг қувонганини айтмайсизми. Бутун қишлоқ табриклагани келди. Мени эъзозлаганларнинг ҳаммаси барака топишсин, — дейди момо.

Суратда: Одина момо ўғли Юсуфжон ва Султонхон боболар билан.
Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат

Болалар спорти

Жондор туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли 16-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби жамоаси дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони Ришод Собиров спорт ҳадисини дастлаб шу даргоҳда олганидан фахрланади.

Камолот пиллапоялари

— Бизнинг асосий вазифамиз Ришод каби истеъдодли полвон ва спортчиларни тарбиялашдир, — дейди БЎСМ директори Баҳодир Содиқов. — Айни пайтда бу ерда 884 нафар ўғил-қиз спортнинг белбоғли кураш, миллий кураш, футбол, волейбол, стол тенниси турлари билан мунтазам шуғулланмоқда. Уларга 32 нафар мураббий маҳорат сирларини ўргатмоқда. Натижалар чакки эмас. Шогирдларимиз қатор нуфузли мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб келмоқда. Жумладан, 2010 йилда 9-10 ёшли болалар ўртасида ўтказилган «Футбол ғунчалари» мусобақасининг вилоят босқичида ғолибликка эришган жондорликлар Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган финал босқичида ҳам шундай натижани такрорлади. Ўтган йили эса 5-9-синфлар ўртасида ўтказилган «Умид ниҳоллари» беллашувида қатнашиб, футбол ва миллий курашда тенгдошларидан анча олдинлаб кетганликларини амалда исботлашди.

Миллий курашда Баҳром Болтаев, Шаҳбоз Ҳикматов республикада шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган бўлсалар, белбоғли курашда Миршод Идиев, Хуррам Ботиров иккинчи ўринни эгаллашди. Ёшлар ўртасида Тошкентда ўтказилган республика мусобақасида Аббос Жўраев кумуш, Обид Тўхтаев эса бронза медалига сазовор бўлишди. Рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Туманнинг турли ҳудудларида БЎСМ филиаллари фаолият кўрсатиб турибди. Масалан, стол тенниси машғулотлари 16-, 5-, 21- 47-мактаблар, футбол сабоқлари эса 20-, 44-, 38-, 21-, 36-мактаблар спорт заллари, шунингдек, Жондор марказий ва «Тобагар» маҳалла ўйингоҳларида ўтказилмоқда.

Болаларни спортга кенг жалб этиш, ҳар бир машғулотни юқори даражада ўтказишда мураббийлар Мухтор Ражабов, Қурбон Абдуллаев, Ражаб Раҳматов, Исо Каримов бошқаларга ибрат бўлмоқда.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Минглаб шогирдлар тарбиялаган Гулнора Оққўзиева узоқ йиллардан бери Шаҳрисабз туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими услубчиси вазифасида ишлаб келмоқда.

Касбини севган аёл

Гулнора 1978 йил мактабни тамомлаб, Қарши давлат педагогика институтининг хорижий тиллар факультетига ўқишга кирди. Талабалик даврида барча фанларни яхши ўзлаштирди. Устозлари меҳрини қозонди. Москва, Санкт-Петербург, Волгоград, Саратов олий ўқув юртлари талабаларининг илмий-амалий тадбирлари, учрашувларида фаол иштирок этди.

Институтни битиргач, тумандаги умумий ўрта таълим мактабида инглиз тили фанидан ўқувчиларга сабоқ бера бошлади. Сўнгра, 102-мактабда ўқув бўлими мудири бўлиб ишлади. Ҳозир эса туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими хорижий тиллар услубчиси сифатида фаолият кўрсатмоқда. Методика хонасида унинг ташаббуси билан хорижий тилларда нашр этилган илмий, методик ва бадиий адабиётлар жамланмаси ўрин олган.

Г.Оққўзиева 2002 йилда ўтказилган «Йилнинг энг яхши фан методисти» кўрик-танловининг туман босқичида 1-, вилоят босқичида 2-ўринни эгаллаган бўлса, 2005-2006 ўқув йилида инглиз, 2006-2007 ўқув йилида француз тили фани бўйича «Энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичида 1-ўринни қўлга киритди.

Гулнора Оққўзиева касбига меҳр қўйган, меҳнатсевар, оқила аёл, бахтли хонадон бекаси сифатида ўз ҳаёт йўлини безаб келмоқда.

Самат БЕРДИЕВ,
Шаҳрисабз туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси

Эҳтиром

Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан «GM-Ўзбекистон» қўшма корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан байрам тадбири уюштирилди.

Андижон шаҳридаги «София» тантаналар саройида ўтган тадбирга жамоада меҳнат қилаётган 304 нафар хотин-қиз таклиф этилди ва дастурхон атрофида турли совғалар эгаларига топширилди. Шунингдек, корхонада ўтказилган аёллар спартакиадаси ғолиблари тақдирланди.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Нигорахон Ёқубова, Олий Мажлис Сенати аъзоси, корхона директори ўринбосари Маврутали Ражабов, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси ўринбосари Гулнорахон Абдуллаева йиғилганларни байрам билан қутлади.

«Келин салом», «Салатлар танлови», «Мушоира» сингари дастурлар тадбирга ўзгача мазмун бағишлади.

— «Мустаҳкам оила йили»да аёлларимизга эътибор ва эҳтиром кўрсатиш янада кучайтирилади, — деди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Мирфозил Олимов. — Яқинда қабул қилинган Давлат дастурида ҳам оила хотиржамлиги ва аёлга катта аҳамият қаратилган. Шу боис корхонамизда меҳнат қилаётган опа-сингилларимизга байрамона кайфият улашиш, уларнинг кўнглини кўтариш мақсадида ушбу тадбирни ташкил этдик. Соҳада меҳнат қилаётган аёл-қизларимиз доимо касаба уюшма ташкилоти ҳимоясида. Касаба уюшма қошида ташкил этилган хотин-қизлар билан ишлаш комиссиясининг фаолияти ҳам бу борада самарали бўлмоқда.

«Аёлга эҳтиром» деб номланган байрам концерти тадбир иштирокчиларига кўтаринки кайфият улашди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Шошилиб автобусга чиқдим. Автобус йўловчилар билан тўла. Гала-ғовур ичида охирги ўриндиқдаги қизларнинг овози баландроқ эшитилди. Атрофдагиларга парво қилмай суҳбатлашиб, хандон отиб кулаётган бу қизлар ёнимдаги икки аёлнинг ғашига тега бошлади. Улар ҳозирги замон қизлари ўзгариб кетгани, уяту андишани йиғиштириб қўйишгани ҳақида гапириб, бир-бирларини маъқуллашарди. «Йўғ-е, — дейман ичимда, — бунчалик эмасдир. Ёш бўлганидан кейин кулади-да».

Қизи борнинг қадри бор

— Кўча-куйда пардозни ўринлатиб, тор шиму калта кўйлак кийган қизлар кўпайиб кетяпти, — дейди бири.

«Замондан ортда қолмай деб кийинишади-да, кийинишу ясаниш ёшликка хос», қизларни оқлайман ичимда. Бир онахон куюниб гапира кетди:

— Биз Кумуш, Раъноларни ўқиб катта бўлганмиз. Уларнинг ҳаёси, ибоси бизга ибрат эди. Аммо ҳозирги қизлар, невараларим ҳам китоб ўқиш ўрнига сериал кўради. Хорижий ва ўзбек эстрада қўшиқларини эшитади, кўраётган клиплари ҳам менга маъқул эмас. Мавзуси деярли бир хил: севги, муҳаббат, айрилиқ, ҳижрон. Бу сериал, клипларни кўриб, қизларимиз нима оляпти, кимларга тақлид қиляпти?

Бир устозим шундай деганди: «Болалигимни хотирласам, қишлоғим кўз олдимда гавдаланади. Қишлоқда иш кўп: экинга қараш, чопиқ қилиш, ҳосил йиғиш дегандек. Ёзнинг жазирамасига тоқат қилолмай, ўзимизни дарахтлар соясига олардик. Қишлоғимизнинг бўйи етган қизлари бири соч ўрарди, бири ўсма қўярди, бошқасининг қўлида кашта. Мендек кичкина қизлар қизиқиб каштага қарардик. Орада айтишув, баҳру байт бошланарди, лапарлар қуйлардик. Энди ўйласам, шулар бизга катта маънавий озуқа берган экан. Лекин ҳозир бу каби қадрият ва анъаналаримиз унутилаётгандек, қизлар бутунлай бошқа нарсалар билан банддек».

Бундай фикрларни бот-бот эшитгандан кейин ўйланиб қоларкансан. Нега одамларда қизларнинг тарбияси, одоб-ахлоқи, юриш-туриши борасида норози кайфият пайдо бўлмоқда? Бунга ким ёки нима сабаб? Қайси нуқтадан бошлаб қизларнинг эркалигу шўхликлари одоб чегарасидан чиққан ҳисобланади? Фарзанд, хусусан, қиз бола тарбиясида нимага кўпроқ эътибор бериш керак? Бугунги замонавий ўзбек қизининг қиёфаси қандай бўлиши лозим?

— Деярли барча хонадонда оналар, бувилар бор. Лекин шунда ҳам қизлар тарбиясида айрим камчиликлар намоён бўлаётганига катта авлод ва ўсмирлар фикрлашидаги тафовут сабаб, деб ўйлайман, — дейди психолог Лола Норматова. — Ҳозирги ёшлар компютер, интернет тармоғи, янги технологиялардан фойдаланади. Ота-оналар эса фарзандлари билан ҳамқадам, ҳамнафас бўлишга улгуролмаяпти. Шунинг учун қарашларда қарама-қаршиликлар юзага келяпти. Биз учун ота-онамизнинг гапи гап, сўзи сўз эди, эътироз билдиришга андишамиз йўл қўймасди. Бироқ бугунги аксарият ёшлар, жумладан, қизлар катталарнинг на насиҳати, на буйруғини қабул қила олади. Шунингдек, фарзандига ҳаддан ортиқ «эркинлик» бериб юбораётган, барча инжиқлигини бажараётган ёхуд тирикчилик дардида кун бўйи иш билан машғул бўлиб, фарзанд тарбиясига етарлича эътибор қаратмаётган ота-оналар ҳам бор. Айниқса, қизлар тарбиясида онанинг ўрни беқиёс. Онадан етарлича таълим-тарбия ололмаётган қизларда камчиликлар кўпроқ бўлади.

Мулоҳаза

Дарҳақиқат, онаси билан сирдош бўлган, ундан етарлича меҳр-муҳаббат, ибрат, насиҳат олган қизлар ҳаётда камроқ қоқилади. Бироқ қиз бола тарбиясида фақат онанинг ўрни муҳим, десак адашамиз.

Ислом динида қизларнинг тарбияси, таълими ва маданияти учун зарур ҳар бир нарса отанинг зиммасидаги фарз ҳисобланади. Ота бу фарздан фақат қиз турмушга чиққандан кейингина озод бўлади. Чунки энди бу масъулият эрнинг зиммасига ўтган бўлади. Отаси ёки эри йўқ аёлнинг нафақаси ака ёки унинг ўрнини босувчи бошқа шахсларга вожиб бўлади.

Ота-она ўртасидаги муносабат, оиладаги муҳит унинг ҳар бир аъзосига дахлдор. Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманида яшовчи она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Шарифа опа Холдорова 8 қизнинг онаси. Қизларининг барчаси олий маълумотли, ҳавас қилса арзигудек бўлиб вояга етишди. Бир қизи грант ютиб, Корея Республикасида таҳсил олиб қайтди. Шарифа опанинг қизлар тарбияси борасидаги фикрига қизиқдик.

— Оиладаги иноқлик, меҳр-муҳаббат, тинчлик, тотувлик, албатта, фарзандларга ҳам таъсир кўрсатади, — дейди у. — Турмуш ўртоғим билан 38 йиллик ҳаётимиз давомида бир-биримизнинг ҳурматимизни жойига қўйиб яшадик. Қизларимизга, биринчи навбатда, тўғрисўз бўлиш, ёлғон гапирмасликни ўргатдик. Тозалик, озодаликни одат қилдирдик. Қизи бор уйнинг файзи бўлак, дейишгани бежиз эмас. Турли тўгаракларга бердик. Пазанда ва хушмуомала бўлишига аҳамият қаратдик. Оиламизда ўғил фарзанд бўлмагани учун қизларим барча уй юмушлари, мол-ҳол, томорқа ишларини бажаришарди. Бўш вақтида меҳнат, ҳунар ўрганиш билан банд бўлиши ҳам тарбиясига ижобий таъсир қилган бўлса керак. Қизларим китобга меҳр қўйиб улғайишди. Энг каттаси мактабни олтин медал билан битириб, ўқишга кирдию, қолганлари ҳам опаси изидан бориб, олий ўқув юртларида таҳсил олишди.

Қизлар — оила қувончи, файзи, ота-она шаъни ва обрўси. «Қизи борнинг қадри бор» деганлари ҳақ гап. Ҳадислардан бирида шундай дейилади:

«Расулуллоҳ (с.а.в):

— Кимнинг учта қизи ёки синглиси бўлсаю, у уларнинг хархашаларига, оғирликларига сабр қилса, Аллоҳ уни уларга кўрсатган раҳмати туфайли жаннатга киритур, — дедилар.

Бир киши:

— Иккита бўлса-чи? — деб сўради.

— Иккита бўлса ҳам, — дедилар.

— Битта бўлса-чи? — деб сўради.

— Битта бўлса ҳам, — дедилар».

Ниҳолни қай томонга бурсанг, ўша томонга қараб ўсади. Зулфия номидаги Давлат мукофоти, Навоий номидаги, Президент стипендияларига сазовор бўлаётган, халқаро танлов ҳамда мусобақаларда ғолибликка эришаётган қизларимиз талайгина. Уларнинг сафини кенгайтиришга барчамиз масъулмиз. Зеро, қизлар бўлажак она, уй бекаси, келажак авлод тарбиячилари ҳисобланади.

Шоҳсанам НИЁЗОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Барча қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

Сирдарё вилояти ҳокимлигининг қурилишда «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси қуйидаги объект қурилиши бўйича пудрат танлов савдоларини эълон қилади

№ п/п	Объект номи	Бошланғич нархи ҚҚС билан (сўм)	Бошланғич нархи ҚҚСсиз (сўм)	Қурилиш муддати
1	Гулистон шаҳри Ўзбекистон-Маҳмудова кўчаларида 4 қаватли 8 хонадонли ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси билан иккита 4 қаватли 12 хонадонли уй-жой қурилиши	4 037 997 352	3 364 997 793	330 кун

Қурилиш ишларини молиялаштириш: **Ипотека кредити маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.**

Буюртмачининг манзили: **Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри М. Ахтамова кўчаси 30. Тел: 8 (367) 227-63-86.**

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: ҳисоб рақамида танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги бўш айланма маблағлари бўлиши ёки кўрсатиб ўтилган маблағга банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари, ўхшаш объектларда ишлаш тажрибаси мавжудлиги, ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми 50 фоиздан кам бўлмаслиги шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 феврал ПП-1475-сонли қарорига асосан, давлат бюджети маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500,0 миллион сўмгача бўлган қурилиш ва қайта қуриш объектларига ўтказилган танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Давлат харидлари бўйича ҳукумат комиссиясининг 2011 йил 29 декабрдаги 4-сонли баённомасига асосан, иншоотлар таъмирлаш учун минимал квотаси 35 фоизгача белгиланган.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда, мамлакатимиз пудратчилари учун қўйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ, қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Гулистон шаҳри, М. Ахтамова кўчаси, 30-уйда жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги телефон бўйича мурожаат қилиш мумкин: тел /факс: (8 367) 227-64-42.**

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб **30** кундан кейин ўтказилади.

O'KUF FTUU

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Normamat ALLAYOROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To'lqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib),
Anvar YUNUSOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99894 226 28 84;
Namangan + 99897 491 79 28;
Samarqand + 99866 708 70 12;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99873 221 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch2011@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A. Abdullayev

Navbatchi:
A. Arslonov

Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teridi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H. Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bosishga topshirish vaqti - 21. 00
Topshirildi - 22.00

Buyurtma Г — 311

23549 nusxada bosildi

2345